

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАРПИЕВ ҒОФУРЖОН ТОХИРОВИЧ

**БЎЗ-ВОҲА ТУПРОҚЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УЛАРИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ**

03.00.13-Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертация доктора наук (DSc)
по биологической наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)
on biological sciences**

Парпиев Гофуржон Тохирович

Бўз-воҳа тупроқларининг регионал хусусиятлари ва уларнинг тупроқ
унумдорлиги шаклланишидаги роли 3

Парпиев Гафуржон Тохирович

Региональные особенности сероземно-оазисных почв и их роль в
формировании плодородия почв..... 31

Parpiev Gafurjon Tokhirovich

Regional features of serozem-oasis soils and their role in the formation of
soil fertility 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАРПИЕВ ҒОФУРЖОН ТОХИРОВИЧ

**БЎЗ-ВОҲА ТУПРОҚЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УЛАРИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ**

03.00.13-Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/В30 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Ташкузиев Маъруф Мансурович
биология фанлари доктори, профессор

Исағалиев Муроджон Тўйчибоевич
биология фанлари доктори, доцент

Қодирова Дилрабо Абдукаримовна
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-09-50; факс: (+998) 71-246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71-246-15-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ №__ - рақамли реестр баённомаси)

Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунёда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга яроқли унумдор ерларнинг умумий майдони 4,4 миллиард гектарни ташкил этиб (4 миллиард гектар муҳофаза қилинадиган ерлар бундан мустасно), шундан 1 600 млн гектари деҳқончиликка тортилган. 1991 йилдан 2009 йилгача дунё бўйлаб суғориладиган деҳқончилик майдони йилига 1,6 фоизга, шундан ривожланаётган мамлакатларда 2 фоиздан ошган. Суғориладиган майдонлар 2050 йилга бориб 318 миллион гектарга етиши мумкинлиги башорат қилинган»¹. Шу сабабли дунёнинг қурғоқчил ва яримқурғоқчил иқлим минтақаларда суғорма деҳқончилик туфайли ривожланган воҳа тупроқлари унумдорлигига салбий таъсир этувчи жараёнларни олдини олиш, тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда воҳа тупроқларининг унумдорлигини ошириш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, воҳа тупроқларининг морфогенетик, физикавий, агрокимёвий, физик-кимёвий ва кимёвий хосса-хусусиятларининг тупроқлар унумдорлигини шаклланишидаги роли, табиий ва антропоген омиллар таъсирида юзага келаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни аниқлаш, унумдорлигини барқарор оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бўз тупроқлари минтақаси тупроқлари майдони 16,6% ни ташкил этиб, мазкур ҳудудларда ривожланган воҳа тупроқлар унумдорлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам республиканинг бўз тупроқлар минтақаси турли регионларида ривожланган воҳа тупроқларнинг регионал хосса-хусусиятларини, табиий ва антропоген омиллар таъсиридаги ўзгариши жараёнларини фаоллиги ва йўналишини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

¹ <https://www.fao.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 28 февралдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Воҳа тупроқлари унумдорлигини шаклланишида уларнинг хосса-хусусиятларининг ролини аниқлаш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Kafrelsheikh University and Mansoura University (Миср), Debrecen University (Венгрия), University of Bari (Италия), Natural Resources Conservation Service (АҚШ), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти (Россия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Воҳа тупроқларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, улар унумдорлигини шаклланишидаги ролини баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: қурғоқчил ва ярим қурғоқчил минтақаларда (ASLE arid) қишлоқ хўжалигини баҳолашда ALES, LECS и GIS дастурий таъминотлар орқали воҳа тупроқлар хосса-хусусиятларини унумдорлик даражасига кўра 3 та синфга ажратилган (Kafrelsheikh University and Mansoura University, Миср); ҳар хил геологик зоналарда тарқалган тупроқлар унумдорлигини шаклланишининг тарихий асослари, яъни тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари табиий ва антропоген омилларга боғлиқлиги қонуниятлари очиқ берилган (Debrecen University, Венгрия; University of Bari, Италия); тупроқ хоссаларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар баҳоланган ва яроқлилиқ даражасига кўра 8 та синфга бўлиниб, ушбу маълумотлари асосида ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган (Natural Resources Conservation Service, АҚШ); инсон омили таъсири туфайли сўнгги 50-70 йил мобайнида турли шароитда ривожланган яримгидроморф ва гидроморф режимли «агроген-қайта ўзгарган» тупроқлар ажратилган (В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, Россия); элементар тупроқ жараёнларида тупроқ биосфера таъсирини бошқарувчиси, яъни тупроқ биокос тизим: «реактор», «хотира», «тупроқ-вақт» ва

³ <https://www.nrcs.usda.gov>; <https://www.search.usa.gov/>; <https://sis.agr.gc.ca>; www.gov.uk/government/organisations/landregistry; www.lantmateriet.se; www.lpi.nsw.gov.au/

«тупроқ-хотира» сифатида диагностик таҳлил қилинган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия).

Жаҳонда воҳа тупроқларининг унумдорлиги бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқларни ҳосил бўлиши, генезиси, эволюцияси, унумдорликни шаклланишида тупроқ хосса-хусусиятларининг ролини аниқлаш; тупроқ унумдорлигини чегараловчи омилларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш; тупроқ унумдорлигини регионал асосларини ишлаб чиқиш; тупроқлар унумдорлигини баҳолаш ва моделлаштириш орқали ер эгаларини ишончли маълумотлар билан таъминлаш; тупроқлар регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий ечимлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли регионларида ва мамалакатимизда суғоришлар таъсирида ривожланган турли хил тупроқлар, хусусан, воҳа тупроқларининг генезиси, уларнинг шаклланиш шарт-шароитлари, хосса-хусусиятларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини баҳолаш, сақлаш, ошириш ва уларни муҳофазалаш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари республика ва хорижлик олимлар А.А.Роде, А.Н.Розанов, В.А.Ковда, А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, Б.В.Горбунов, М.А.Панков, Л.Турсунов, А.Мақсудов, Р.Қ.Қўзиев, Х.Х.Турсунов, М.М.Тошқўзиев, Ғ.Юлдашев, С.Абдуллаев, Р.Қурвонтоев, В.Исақов, Ж.С.Саттаров, Л.А.Ғофурова, И.У.Уразбаев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдрахмонов, Х.Т.Артиқова, А.У.Ахмедов, А.Ж.Исмонов, Ф.Р.Зайдельман, Д.Л.Голованов, А.Литвинович, Ж.Мандахбаяр, М.Ф.Дорохов, И.А.Ямнова, М.Л.Сиземская, R.F.Isbell, N.Chittamant, R.J.Gilkes, J.A.Brierley, A.R.Mermut, A.Lehmann, Hassan El-Ramady, M.Ayman El-Ghamry, A.L.Hawkins, S.M.Shaheen, M.E.Abo-Waly, R.A.Ali, M.N.Noaman, M.Satoh, S.Aboulroos, H.E.Khalifa, H.A.Moussa, A.A.Elnaggar, Xu.H.Jungrong, H.Millán, A.M.Tarquis, L.D.Pérez, D.K.Pal томонидан олиб борилган. Лекин, бўз тупроқлар минтақаси воҳа тупроқларида кечаётган жараёнларни аниқлаш, уларнинг морфогенетик хосса-хусусиятларидаги ўзгаришлари, тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги ролини аниқлаш бўйича қиёсий регионал жиҳатларига қаратилган тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф5-008 «Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва тупроқ унумдорлигини бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси ҳамда «Сирдарё вилоятидаги «Mirzaobod Universal Trade Cluster» хусусий корхонасига қарашли суғориладиган ер майдонларида тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш» 2018-4-сон шартнома (2018 й.) ва «Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари

«Тупроқ шўрланиши картограммалари»ни тузиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўз тупроқлар минтақасидаги турли табиий ва антропоген омиллар таъсирида ривожланган воҳа тупроқлари регионал хусусиятларини аниқлаш орқали тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларининг регионал ўзига хос экологик, морфогенетик хусусиятларини аниқлаш;

регионал жиҳатдан физикавий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва кимёвий хосса-хусусиятлари асосида таҳлил қилиш;

воҳа тупроқлари шаклланишида тузлар тўпланишидаги биогеокимёвий жараёнларни ўрганиш, заҳарли ва заҳарсиз тузлар миқдорий кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиш;

тупроқларда шўрланиш жараёнлари ва уларнинг регионлар бўйича ўзаро тафовутини аниқлаш;

воҳа тупроқлари ривожланишида сингдирилган асослар таркибини ўзгариши, фаоллик даражаси ва йўналишини аниқлаш, регионал жиҳатдан тупроқлар сингдириш қобилиятини баҳолаш;

бўз-воҳа тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишга доир илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб республиканинг шимоли-шарқий (Тошкент воҳаси), марказий (Мирзачўл воҳаси ва Зарафшон водийси) ва жанубий (Сурхон-Шеробод водийси) регионларида ривожланган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларининг регионал морфогенетик, физикавий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва кимёвий хосса-хусусиятлари, тузлар химизми ва уларнинг тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги роли ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда солиштирма, генетик-географик ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланилди. Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ПСУЕАИТИларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган, жумладан «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома», «Методы химических анализов почв и растений» услублари асосида амалга оширилган, олинган маълумотлар Б.А.Доспехов ва К.Пирсон услублари ёрдамида таҳлил қилиниб, математик-статистик таҳлиллар «Microsoft Excel» дастури дисперсион услубида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўз минтақа воҳа тупроқлари унумдорлиги шаклланиши жараёнида гумуснинг иль ва чанг заррачалари, сингдирилган асослар, ҳажм оғирлиги каби хосса-хусусиятлари билан корреляцион боғлиқ эканлиги асосланган;

турли регионлардан оқиб ўтувчи дарёлар муаллақ оқизиклари таъсирида шимоли-шарқий региондан > марказий > жанубий регион томон

агроирригацион қатламлар шаклланиши ҳисобига воҳа тупроқлари нисбий ёшининг ортганлиги исботланган;

воҳа тупроқлари умумфизик хоссалари (ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва солиштирма оғирлиги)нинг «критик чегаралари», микро-, макроагрегатлик ҳолати ва карбонатлашганлик даражаси баҳоланган;

воҳа тупроқлари ривожланиши жараёнида гумус миқдорига боғлиқ ҳолда сингдириш қобилиятининг «жуда паст» миқдор (5-10 мг-экв.)дан «паст» (10-15 мг-экв.) ва «ўртача» (15-25 мг-экв.) гуруҳларга ўтганлиги, сингдириш сиғими ижобий томонга ўзгарганлиги далилланган;

умумий тузлар миқдорига нисбатан заҳарли тузларнинг улуши шимолий-шарқий ва марказий регионлардаги бўз-воҳа тупроқлардан > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлар томон камайиб бориши ва аксинча, жанубий регионда ортиб бориши сувда қийин эрийдиган сульфатли тузларга бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот олиш бўйича тадбирлар белгилаш мақсадида Мирзачўл воҳасида шаклланган воҳа тупроқларининг 1:10 000 масштабда тупроқ карталари тузилган;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари регионал хосса-хусусиятлари бўйича шўрланганлик даражаси баҳоланган ва массивларнинг 1:10 000 масштабда «Суғориладиган ерларнинг тупроқ шўрланганлиги картограмма»лари тузилган;

бўз-воҳа тупроқларидаги салбий омилларни олдини олиш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерлардан самарали фойдаланиш бўйича «Бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини яхшилашга доир тавсиялар» ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда дала, лаборатория, камерал, кимёвий-аналитик, генетик-географик, картографик, солиштирма услубларнинг бажарилганлиги, уларни статистик таҳлил қилиниши, олинган натижаларни илмий асосланганлиги, амалиётда тасдиқланганлиги ва умумқабул қилинган ҳамда охириги нашр этилган услубий кўрсатмалар ҳамда қўлланмалар асосида амалга оширилганлиги, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика даврий илмий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўз минтақа воҳа тупроқлари унумдорлиги шаклланиши жараёнида гумуснинг сингдирилган асослар, иль ва чанг заррачалари, ҳажм оғирлиги каби хосса-хусусиятлари билан корреляцион боғлиқлиги асосланганлиги, турли регионлардан оқиб ўтувчи дарёлар муаллақ оқизиклари таъсирида шимолий-шарқий региондан > марказий > жанубий регион томон агроирригацион қатламлар шаклланиши ҳисобига воҳа тупроқлари нисбий ёшининг ортганлиги, воҳа тупроқлари умумфизик

хоссаларининг «критик чегаралари», микро-, макроагрегатлик ҳолати ва карбонатлашганлик даражаси баҳоланганлиги, гумус миқдорига боғлиқ ҳолда сингдириш сифими ижобий томонга ўзгариши далилланганлиги, умумий тузлар миқдорига нисбатан захарли тузларнинг улуши турли регионлар воҳа тупроқларидаги сувда қийин эрийдиган сульфатли тузларга бевосита боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бўз-воҳа тупроқлари учун тузилган тупроқ карталари ва тупроқ шўрланганлиги картограммалари ҳамда тавсиялар воҳа тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, турли даражада шўрланган ерларда мелиоратив тадбирларни тўғри ташкил қилиш, улардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Бўз-воҳа тупроқларининг регионал хусусиятлари ва уларнинг тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги роли» бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини яхшилашга доир тавсиялар» Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 03-05-7643-сон маълумотномаси). Натижада, республиканинг бўз тупроқлар минтақаси жумладан, Мирзачўл воҳаси ва Сурхон-Шеробод водийси суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун мажмуавий агротехник, агрокимёвий, агромелиоратив тадбирларни амалга оширишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги А.Соибназаров номли, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Э.Бердиев номли массивларнинг 1:10 000 масштаби «Суғориладиган ерларнинг тупроқ шўрланганлиги картограмма»лари 6 834 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 03-05-7643-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу массивлар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланган тупроқларининг механик таркиби, шўрланиш даражаси ва типи ҳамда регионал хосса-хусусиятларига кўра, илмий асосланган шўр ювиш меъёрлари, сони ва муддатларини белгилаш имконини берган.

«Шўрланган тупроқ» мобил иловаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 03-05-7643-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу мобил илова ер ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тезкор ва самарали маълумотлар тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш орқали ердан фойдаланувчилар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига интерактив хизмат кўрсатиш имконини берган;

Сирдарё вилоятидаги «Mirzaobod Universal Trade Cluster» хусусий корхонасига қарашли Мирзаобод тумани «Бўстон» массиви суғориладиган ер майдонларининг 1:10 000 масштабли «Тупроқ картаси» 5 280 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 03-05-7643-сон маълумотномаси). Натижада, ярим гидроморф шароитда ривожланган суғориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган агромелиоратив, агрофизик, агрохимёвий тадбирлар белгилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили ТАИТИнинг Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 3 та халқаро (Анапа, Бухоро шаҳарларида) ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Институтнинг «Тупроқ унумдорлигини бошқариш ва баҳолаш» бўлимида ва илмий-услубий кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шундан 1 та тавсиянома, 1 та дастурий таъминот гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Воҳа тупроқларининг ўрганилиш тарихи (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисми «*Марказий Осиё ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши*» деб номланган. Унда турли цивилизация босқичларида Марказий Осиё ҳудудларида инсон фаолияти таъсири туфайли, ерларни ўзлаштиришлар ва суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши асосида воҳа тупроқларининг ҳосил бўлиши тўғрисида қисқача тарихий қиёсий маълумотлари таҳлили келтирилган.

Иккинчи қисми «*Воҳа тупроқ пайдо бўлиши жараёнларининг ўрганилиши*» деб номланиб, унда воҳа тупроқлари регионал хусусиятларининг тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги ролини ўрганиш масалалари, мақсад ва изланиш вазифаларидан келиб чиқиб, чет элда ва Ўзбекистонда суғоришлар таъсирида ҳосил бўлган воҳа тупроқларини

тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар атрофлича таҳлил қилинган. Республикамизда воҳа тупроқларининг алоҳида-алоҳида ҳудудларда горизонтал ёки вертикал минтақавийликка асосланган илмий-тадқиқотлар олиб борилганлиги, бироқ бўз тупроқлар минтақасидаги воҳа тупроқларининг регионал ўзига хос хусусиятлари, жумладан, тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги роли турли регионлар бўйича қиёсий жиҳатдан ўрганилмаганлиги долзарб масала эканлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва услублари**» иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида Р.Қ.Қўзиёвнинг 1984-1987 йиллар мобайнида Тошкент ва Самарқанд воҳасида олиб борилган тупроқ тадқиқотларига асосланган ҳолда 2014-2016 йилларда айнан шу ҳудудларда ҳамда Мирзачўл воҳаси ва Сурхон-Шеробод водийси регионлари бўз тупроқлар минтақасидаги турли тупроқ-иқлим шароитларида шаклланган – бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган.

Тадқиқот услублари деб номланган бандида дала, лаборатория ва камерал шароитлардаги таҳлил ишлари тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда географик, генетик, тарихий-таққослаш, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов ва К.Пирсон услублари ёрдамида таҳлил қилиниб, математик-статистик таҳлиллар «Microsoft Excel» дастури дисперсион услубида ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Воҳа тупроқлари пайдо бўлишининг табиий-тарихий шароитлари**» деб номланган учинчи бобида республикамиз бўз тупроқлар минтақасининг географик ўрни, геологик, литологик ва геоморфологик тузилиши, гидрография ва гидрогеологик шароитлари, иқлими ва инсон фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Суғорма деҳқончиликка жалб қилинган бўз-воҳа тупроқлари мамлакатимизнинг тоғ олди ва паст текисликлари минтақаларида жойлашган. Улар келиб чиқиш генезисига кўра, асосан табиий бўз тупроқлардан ҳосил бўлган. Бўз тупроқлар тоғ олди паст текисликлари, дарёларнинг юқори террасалари ва тоғлар ораси аккумулятив текисликларини эгаллайди. Ўрганилган воҳаларда деҳқончилик жуда катта тарихга эга. Шу сабабли бу воҳаларда умумий гидрогеологик шароит бирмунча ўзгарган. Жумладан, бўз тупроқлар билан банд бўлган ҳудудларда сизот суви сатҳи 7-10 м чуқурликда жойлашган бўлиб, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида умуман иштирок этмаган. Кейинчалик, воҳаларнинг аҳоли яшаш жойлари атрофида секин-аста катта миқёсдаги ер майдонларини ўзлаштирилиши ва суғоришлар натижасида сизот сувлари сатҳи кўтарилиб, 3-5 м чуқурлик доирасига келиб қолган, вақти-вақти билан тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига ўз таъсирини ўтказган. Пировардида, автоморф типдаги типик бўз тупроқлар ҳудудида суғоришлар ва сизот сувларининг таъсири доирасидаги ўтлоқланиш жараёнини вужудга келтирган, яъни қўриқ типик бўз тупроқлар ўрнида > суғориладиган типик бўз > бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлар вужудга келишига сабаб бўлган.

Атмосфера ёғинлари миқдори тоғлардан бошланадиган сойлар ва дарёлар сувларининг лойқалилик даражаси ва кимёвий таркибини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда иқлим компонентлари баландлик қонуниятига бўйсунган ҳолда, тупроқлар хилма-хиллигини шаклланишида элементар тупроқ жараёнларини (бирламчи ёки примитив тупроқ пайдо бўлиши, лойланиш, латеризация, чиринди ва карбонатлар тўпланиши ҳамда тақсимланиши, шўрланиш, шўрсизланиш, ишқорсизланиш ва ҳ.к.) фаоллигини таъминлашда етакчи роль ўйнайди.

Воҳа тупроқлари махсус тупроқ типи сифатида табиий ёғинларининг йиллик миқдоридан бир неча марта ошгандагина ҳосил бўлади, яъни фақат сунъий суғориш таъсирида тупроқ профили морфологик белгилари кескин ўзгаришга учрайди. Ўз навбатида суғорма деҳқончилик таъсири туфайли табиий тупроқларда қуйидаги жараёнлар юз беради: 1) суғориш сувларининг табиий ёғинларга нисбатан бир неча баробар кўплиги сабабли, иллювиал жараёнлар кучаяди; 2) морфогенетик хусусиятлари ўзгаради, бунда аввало, суғориш сувларида келтирилган ётқизиқлар ҳисобига агроирригацион горизонтлар ҳосил бўлади; 3) табиий иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда биологик фаол элементлар тупроқнинг юқори қатламларида тўплана боради.

Диссертациянинг **«Бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган тупроқлари тавсифи»** деб номланган тўртинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими *«Бўз минтақаси тупроқларининг тавсифи»*га бағишланган. Бу тупроқларнинг республикамиз ҳудуди бўйлаб тарқалиши Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Шунга кўра, республиканинг 16,7% (7472,8 минг га) майдонни ишғол этган бўз тупроқлар минтақасида: тўқ тусли бўз тупроқлар – 2,7% (1208,8 минг га), типик бўз – 6,4% (2880,1 минг га), оч тусли бўз – 4,9% (2191,9 минг га), бўз ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар эса 2,7% (1 192,0 минг га)ни ташкил этади. Шунга мос равишда суғориладиган майдони бўйича тақсимланишига кўра, тўқ тусли бўз тупроқлар – 0,6% (34,1 минг га), типик бўз – 13,7% (757,9 минг га), оч тусли бўз – 8,1 (446,3 минг га), бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар эса 20,3% (1118,9 минг га)ни ташкил этади.

Воҳа тупроқлари дарё ҳавзалари атрофида кенг тарқалганлиги, агроирригацион ётқизиқларнинг кучли шакланганлиги, ундаги ўзига хос морфологик, минералогик ва кимёвий таркиби суғориш давомида шакланган. Воҳа тупроқларнинг табиий ва антропоген омиллар таъсиридаги тадрижий ривожланиши бевосита турли жараёнларга боғлиқ бўлиб, маълум бир регионда бир хил она жинсларда шакланган тупроқлар ҳам ўзида алоҳида хосса-хусусиятни намоён этади ва уларнинг тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги роли катта эканлигини кўрсатади.

Марказий регион (Самарқанд) ва жанубий регион (Сурхондарё) ҳудудларида 1,5-2,0 м, хаттоки 2,5-3 метргача бўлган агроирригацион қатламли воҳа тупроқлари шакланганлиги аниқланди.

Марказий регион (Жиззах вилояти) ва шимолий-шарқий регион (Тошкент вилояти) ҳудудида ривожланган бўз-воҳа, бўз-ўлоқи-воҳа


ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари агроирригацион қатламларининг қалинлиги ҳозирда 40-50 см гача, айрим қадимдан суғориладиган майдонларида эса 70 см, хаттоки 1 метргача етиши кузатилди.

Аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги:


Бўз-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 0-34 см гача, Жиззахда 0-34 см гача, Самарқандда – 0-35 см гача, Сурхондарёда – 0-44 см гача (1-расм);

Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 0-37 см гача, Сирдарёда – 0-30 см гача, Жиззахда – 0-32 см гача, Самарқандда – 0-35 см гача, Сурхондарёда – 0-40 см гача (2-расм);


Ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 0-35 см гача, Сирдарёда – 32 см гача, Жиззахда – 0-35 см гача, Самарқандда – 0-35 см гача, Сурхондарёда – 0-40 см гача етади (3-расм).



1-расм. Бўз-воҳа тупроқлари аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги



2-расм. Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлари аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги



3-расм. Ўтлоқи-воҳа тупроқлари аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги

Ушбу аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги, худудларда амалга оширилаётган агротехник тадбирларга ҳам бевосита боғлиқ. Сурхондарёда аккумулятив гумусли (А) қатлам қалинлиги 44 см гача етиши, бу худудда узок деҳқончилик юритишнинг махсулидир.

А + В қатламнинг қалинлиги: ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 50, Сирдарёда – 45(50), Жиззахда – 50, Самарқандда – 100, Сурхондарёда – 102 см гача; бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 50, Сирдарёда – 40 (45), Жиззахда – 75, Самарқандда – 165, Сурхондарёда – 140 см гача; бўз-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 45, Жиззахда – 80, Самарқандда – 180, Сурхондарёда – 250 см гача етади.

Мазкур А+В қатламнинг қалинлиги турли регионларда агроирригацион қатламни қанчалик шаклланганлигини кўрсатади ва албатта бу ҳолат ушбу тупроқларнинг тахминий нисбий ёшини белгилашга хизмат қилади.

Агроирригацион қатламлар қалинлигига кўра баҳоланганда (М.Баҳодиров, 1971), регионал жиҳатдан шимолий-шарқий регион Тошкент воҳасида «юпқа» (35-50 см), марказий регион (Самарқанд воҳаси) ва жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси) тупроқлари «жуда қалин» (1 м дан кўп) бўлган агроирригацион қатламли бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларига ажратилди. Мирзачўл воҳаси (Сирдарё ва Жиззах вилояти) бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари «юпқа» (35-50 см), Жиззах вилоятининг бўз-воҳа ва бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлари эса «ўртача» (70-80 см) қалинликка эга бўлган гуруҳга мансублиги аниқланди.

Янги яралмалардан карбонатларнинг конкрецияли шаклининг (юқори ва куйи чегараси мос равишда): бўз-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 45-73 ва 73-210, Жиззахда – 48-80 ва 120-175, Самарқандда – 125-140 ва 160-180 см лик қатламларда учрайди, Сурхондарёда эса қайд қилинмади (1-жадвал);

Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 50-80 ва 80-118, Сирдарёда – 38-50 ва 50-88, Жиззахда – 28-30 ва 75-123, Самарқандда – 74-90 ва 115-165 см лик қатламда кузатилади, Сурхондарёда эса 100-140 ва 140-178 см лик қатламда СО₂ ларнинг моғорсимон доғлари учрайди;

Ўтлоқи-воҳа тупроқларда – Тошкентда – 42-45 ва 50-80 см лик қатламда, Сирдарёда – 28-35 ва 45-90 см лик қатламда ҳамда Жиззахда – 28-40 ва 40-78 см лик қатламида оқ кўзойнак кўринишидаги шакллари учрайди, Самарқандда ва Сурхондарёда амалда кузатилмайди.

Юқоридагилардан шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Зарафшон водийси ўтлоқи-воҳа тупроқларида ҳамда жанубий регион бўз-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларида карбонатларнинг ювилганлиги яққол кузатилади.

«Сугориладиган тупроқларнинг систематик рўйхати, диагностик белгилари» республика худуди географик, орографик, геоморфологик тузилиши, тупроқ, ўсимлик қоплами ва иқлим шароитига кўра 4 та минтақаларга ажратилиб ўрганилиши келтирилган.

Воҳа тупроқлари табиий тупроқлар классификацияси схемасига тўлалигича жойлаша олмайдиган тупроқ гуруҳларини ўз ичига олади. Бунинг асосий сабаби, сугориш таъсирида рўёбга чиқадиган органик моддаларнинг синтези, минерализацияси, ерга тушиши шароитининг алмашинуви, иссиқлик, ҳаво ва сув тартиботларининг ўзгариши ҳисобланади. Ирригацион келтирилмалар аккумуляцияси ва генетик жиҳатдан янги маданий қатламнинг ҳосил бўлиши ва унинг биологик фаоллиги элементлар билан бойиши – воҳа тупроқларини махсус тип сифатида қараб чиқиш лозим эканлигини кўрсатади.

Воҳа тупроқларининг қиёсий морфогенетик тавсифи

Тупроқ номи	Кўрсаткичлар					
	Гумусли қатлам қалинлиги, см	Гумус бўялган чуқурлик, см	Гумус микдори, %	Гумус захираси, т/га (100 см)	Карбонатли қатламнинг юқори чегараси, см	Карбонатли қатламнинг куйи чегараси, см
Шимолий-шарқий регион (Тошкент воҳаси), Р.Қ.Қўзиев, 1984-1987 йй.						
Бўз-воҳа	29-30	40-50	0,93-1,11	91,78	30-55	100-123
Бўз-ўтлоқи-воҳа	29-30	35-50	0,93-1,13	101,62	17-37	68-110
Ўтлоқи-воҳа	25-30	35-50	1,11-1,59	143,53	-	-
Ғ.Т.Парпиев, 2014-2016 йй.						
Бўз-воҳа	29-34	45-50	0,945-1,130	91,76-100,54	45-73	73-210
Бўз-ўтлоқи-воҳа	35-37	40-50	1,027-1,310	100,79-111,84	50-80	80-118
Ўтлоқи-воҳа	30-35	40-50	1,072-1,571	134,08-155,13	42-45	50-80
Марказий регион (Самарқанд воҳаси), Р.Қ.Қўзиев, 1984-1987 йй.						
Бўз-воҳа	30-32	≈200	0,750-0,820	98,58	122-140	157-180
Бўз-ўтлоқи-воҳа	25-30	≈200	0,700-0,800	96,00	70-90	110-165
Ўтлоқи-воҳа	28-30	≈100-150	0,980-1,110	129,66	-	-
Ғ.Т.Парпиев, 2014-2016 йй.						
Бўз-воҳа	30-35	180-200	0,928-0,975	92,73-104,55	125-140	160-180
Бўз-ўтлоқи-воҳа	26-35	115-165	0,856-0,934	95,83-97,09	74-90	115-165
Ўтлоқи-воҳа	28-35	75-100	1,124-1,242	119,20-142,05	-	-
Марказий регион (Мирзачўл воҳаси, Сирдарё), Ғ.Т.Парпиев, 2014-2016 йй.						
Бўз-воҳа	-	-	-	-	-	-
Бўз-ўтлоқи-воҳа	29-30	40-50	0,891-0,910	98,08-99,26	38-50	50-88
Ўтлоқи-воҳа	28-32	40-50	0,817-1,160	97,00-110,06	28-45	45-90
Марказий регион (Мирзачўл воҳаси, Жиззах), Ғ.Т.Парпиев, 2014-2016 йй.						
Бўз-воҳа	30-34	45-80	0,978-1,017	107,07-118,70	48-80	120-175
Бўз-ўтлоқи-воҳа	28-32	40-75	0,997-1,001	108,70-118,16	28-30	75-123
Ўтлоқи-воҳа	27-35	40-62	0,992-1,175	107,70-122,09	28-40	40-78
Жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси), Ғ.Т.Парпиев, 2014-2016 йй.						
Бўз-воҳа	30-44	200-250	0,980-1,030	113,00-116,49	-	-
Бўз-ўтлоқи-воҳа	31-40	100-140	0,928-1,079	97,74-108,01	100-140	140-178
Ўтлоқи-воҳа	38-40	60-102	0,979-2,190	102,71-253,45	-	-

Диссертациянинг «**Бўз-воҳа тупроқлари регионал хусусиятларининг қиёсий таҳлили**» деб номланган бешинчи боби олтита банддан иборат. Биринчи банди «*Агрофизикавий хоссалари*» деб номланган. «*Гранулометриқ таркиби*» бўлимида бўз-воҳа тупроқларининг механик таркиби агроирригацион келтирилмаларнинг механик таркиби ва суғориш суви микдори, сони ҳамда мавсумига боғлиқ бўлади. Хатто бир ариқдан суғориладиган даланинг ҳам ҳар хил қисмида механик таркиби бўйича фарқланадиган тупроқ ҳосил бўлиши мумкин.

Бўз-воҳа тупроқлар механик таркибига кўра, асосан, ўрта ва енгил қумоқлардан иборат. Барча регион тупроқлари профилида оғир қумоқли қатламлар шаклланганлиги кузатилади. Жанубий регион бўз-воҳа тупроқлари профилида қумлоқли қатламлар амалда учрамайди, шимолий-шарқий ва марказий регион тупроқлари эса қумлоқли қатламлар шаклланганлиги билан ажралиб туради.

Ўрганилган бўз-воҳа тупроқлар механик таркибида физик қум (>0,01 мм) заррачаларидан майда қум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади. Майда қум (0,1-0,05 мм)

заррачалари тупроқ профилида 5,5-50,9 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 16,0-56,6 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 18,5-54,3 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб тургани ҳолда, ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари – 4,3-26,6, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачасининг миқдори – 2,2-29,6 фоиз атрофида тебраниб туради (2-жадвал).

Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлар механик таркибига кўра, шимолий-шарқий регион, асосан, ўрта ва оғир кумоқлардан иборат. Қолган марказий ва жанубий регионлар тупроқлари эса, асосан, ўрта кумоқлардан, шунингдек ушбу тупроқларда енгил, оғир кумоқли, кумлоқли қатламлар ҳам учраши билан алоҳида тавсифга эга.

Ўрганилган регионлар кесимида бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлар механик таркибида физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан майда кум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади. Майда кум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 4,0-46,1 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 8,2-59,0 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 3,6-53,1 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб тургани ҳолда, ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари – 1,2-29,9, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачасининг миқдори – 2,0-47,5 фоиз атрофида тебраниб туради (2-жадвал).

Ўтлоқи-воҳа тупроқлар механик таркибига кўра, шимолий-шарқий регион учун характерли хусусияти шундан иборатки, улар, асосан, енгил ва кумлоқли, айрим ҳолатларда аралаш ўрта кумоқли, кумлоқли ва кумли қатламлардан иборат. Марказий ва жанубий регион ўтлоқи-воҳа тупроқлари профилида ўрта ва енгил кумоқли, оғир кумоқли, баъзан кумлоқли ва кумли қатламлар шаклланганлиги билан ажарлиб туради.

Ўрганилган ўтлоқи-воҳа тупроқлар механик таркибида физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан майда кум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади. Майда кум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 0,9-80,5 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 1,1-56,1 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 1,9-58,0% ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб, ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари – 1,6-29,8, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачасининг миқдори – 0,3-31,8 фоиз атрофида тебраниб туради (2-жадвал).

Барча регионлар учун умумий характерли хусусият – механик таркиб заррачаларининг тақсимланишига кўра, маълум бир қонуниятга бўйсунishi, масалан, максимал кўрсаткичлари бўйича тупроқ профилида майда кум (0,1-0,05 мм) заррачасининг шимолий региондан марказий ва жанубий регион томон ортиб бораётганлиги қонунияти кузатилади. Ушбу қонуниятга кўра, майда кум заррачасининг ортиб бориши бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлари кетма-кетлик занжирига бўйсунанади.

Бўз-воҳа тупроқлардан ўтлоқи-бўз-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларига томон майда чанг (0,005-0,001) ва ил (<0,001 мм) заррачаларининг миқдори ортиб боради (2-жадвал). Мазкур тупроқлар профилининг юқори, ўрта ва қуйи (30-200 см) қатламларида иль заррачаларининг ортиши кузатилади, шунга мос равишда механик таркиби ҳам оғирлашиб боради.

Тупроқлар механик таркиби (минимум ва максимум, мм) кўрсаткичлари, %

Регионлар номи	Воҳа номи	Йирик қум (>0,25)		Ўрта қум (0,25-0,1)		Майда қум (0,01-0,05)		Йирик чанг (0,05-0,01)		Ўрта чанг (0,01-0,005)		Майда чанг (0,005-0,001)		Иль (<0,001)		Физик лой (<0,01)	
		min	max	min	max	min	max	min	max	min	max	min	max	min	max	min	max
Бўз-воҳа тупроқлар																	
Шимолӣ-шарқий	Тошкент	0,8	13,2	0,2	3,3	5,5	35,8	18,2	56,6	1,2	13,5	2,2	23,4	1,9	14,4	18,5	49,6
Марказий	Жиззах	0,4	2,8	0,1	0,7	17,8	49,2	21,1	51,4	4,3	14,7	3,7	29,6	4,8	18,6	22,9	54,3
Марказий	Самарқанд	4,4	9,2	1,1	2,3	16,7	50,9	16,0	38,9	9,9	17,3	5,9	18,9	5,1	10,3	18,9	40,2
Жанубий	Сурхондарё	5,2	20,4	1,5	5,1	6,6	50,1	17,1	44,1	9,0	26,6	3,4	17,9	6,5	18,0	23,8	49,1
Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлар																	
Шимолӣ-шарқий	Тошкент	1,2	9,2	0,3	2,3	4,0	29,8	21,5	48,6	11,8	26,5	2,5	15,2	8,5	21,2	34,1	50,0
Марказий	Сирдарё	0,1	24,4	0,1	15,0	5,2	41,1	16,4	59,0	2,6	29,9	4,0	20,3	0,6	17,2	8,5	53,1
Марказий	Самарқанд	1,2	68,0	0,3	17,0	3,2	44,2	8,2	47,3	1,2	14,2	2,0	18,9	0,4	17,7	3,6	50,0
Жанубий	Сурхондарё	0,2	12,4	0,2	1,4	16,6	46,1	26,1	46,6	2,0	21,4	3,9	47,5	4,7	14,5	17,0	48,1
Ўтлоқи-воҳа тупроқлар																	
Шимолӣ-шарқий	Тошкент	1,2	42,4	0,3	10,6	7,3	53,3	12,8	56,1	1,6	10,7	3,1	15,8	1,3	16,4	8,1	34,9
Марказий	Сирдарё	0,1	5,0	1,9	62,3	5,6	62,3	11,6	53,4	7,3	29,3	9,6	41,3	2,2	26,0	12,0	81,1
Марказий	Самарқанд	1,2	54,0	0,3	13,5	8,4	65,5	4,0	46,5	3,0	29,8	3,7	31,8	0,2	12,8	6,3	54,4
Жанубий	Сурхондарё	0,4	76,0	0,1	18,9	0,9	80,5	1,1	43,2	0,3	26,7	0,3	16,5	0,3	12,8	1,9	50,3

Кейинги «Микро- ва макроагрегатлиги» бўлимида суғоришлар даврийлигининг ошиб бориши билан тупроқларда сувга чидамли бўлган агрегатларнинг (>0,25 мм) бир мунча кўпайганлиги яққол кўзга ташланади. Ўрганилган тупроқлар профили бўйлаб қаралганда асосий ҳолатларда «жуда яхши» (<15%), «яхши» (15-25%) ва «қониқарли» (25-40%) микроструктурага мансуб эканлиги аниқланди.

Барча регионлар ўтлоқи-воҳа ҳамда марказий ва жанубий регионлар бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларида учрайдиган «қониқарсиз» (40-60%) ва «жуда ёмон» (>60%) микроструктуранинг мавжудлигини қуйи қумли ва қумлоқли қатламлар (100-200 см)га бевосита боғлиқ деб изоҳланади.

Агрономик жиҳатдан қимматли бўлган агрегатларнинг (диаметри 0,25 мм дан 10 мм гача) миқдори бўйича ўрганилган барча бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларида сувга чидамли макроагрегатлар мос равишда 46,69-70,50; 36,21-71,86 ва 39,01-72,15% атрофида кузатилиб, агроирригацион қатламлар шаклланиши жараёнида «жуда юқори» (>30%) структурали тупроқлар ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Н.А.Качинский классификацияси бўйича ўрганилган тупроқлардаги >0,25 мм макроагрегатлар миқдори жамламаси 40-75 атрофида кузатилиб, асосан «яхши» (40-60) ва «юқори» (60-75) сувга чидамли агрегатлар гуруҳларига мансуб эканлиги аниқланди.

«Зичлиги, солиштира оғирлиги ва говаклиги» ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқлари ҳайдалма қатлами зичлиги бўйича – «кам зичлашган» (1,20-1,29 г/см³), «ўртача зичлашган» (1,30-1,39 г/см³) ва «кучли зичлашган» (1,40-1,49 г/см³) тупроқлар гуруҳини ташкил этади, қишлоқ хўжалик экинлари яхши ривожланиши учун «энг мақбул», «мақбул» ва «мақбул зичлик»дан юқори бўлган маданийлашган тупроқлар ҳисобланади.

Тупроқ қаттиқ қисмининг солиштирма оғирлиги – «паст» ($2,50-2,60 \text{ г/см}^3$) ва «ўртачадан паст» ($2,60-2,65 \text{ г/см}^3$), умумий ғоваклигига кўра эса «ўртача» (50-45%) ва «қониқарли» (45-40%) деб баҳоланиб, қишлоқ хўжалик экинлари ўсиб ривожланиши учун қулай, мос ҳолда аэрация даражаси 20 ва 20-18% га тенг, бу эса тупроқдаги агрегатлараро ғовакликларига узвий боғлиқлигини кўрсатади.

«Карбонатлар миқдори, аккумуляцияси, уларнинг фаоллик даражаси ва йўналиши» бўлимида табиий бўз тупроқларда карбонатлар миқдори анча юқори бўлиб, 10-12% ни ташкил этади, даврий суғоришлар натижасида бу ҳолат сақланиб қолсада, бўз-воҳа тупроқларининг шаклланишида уларнинг миқдори камайиб бориши ўз исботини топган.

Ўрганилган регионлар бўйича барча бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда карбонатлар CO_2 мос ҳолда 3,91-9,82%, 4,54-9,98% ва 2,00-10,24% гача бўлган оралиқда тебраниб туриши аниқланди.

Р.Қ.Кўзиев томонидан олиб борилган тадқиқотларга қиёсий солиштирилганда, Тошкент воҳаси бўз-воҳа тупроқлари профилида карбонатлар CO_2 5,72-9,85% оралиғида қайд қилинган, орадан 30 йил ўтиб карбонатлар CO_2 4,75-8,29% атрофида эканлиги аниқланди. Мазкур регион бўз-воҳа тупроқлари ҳайдалма қатламида карбонатларнинг йиғиндисига нисбатан CaCO_3 улушининг 96,7% дан 96,2% (-0,5%) гача камайганлиги ва аксинча, MgCO_3 улушининг эса 12,2% дан 12,7% (+0,5%) гача ортганлиги қайд қилинди. Ўрганилган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлардаги CaCO_3 нинг миқдорий улуши 4,52-23,27% оралиғидаги кўрсаткичларни ташкил этиб, «карбонатлашган» (2-15%) ва «ўртача карбонатлашган» (15-25%) гуруҳларга мансуб эканлиги аниқланди. Карбонатларнинг тупроқ профилида тақсимланишига кўра, яъни карбонатлар умумий йиғиндисига нисбатан CaCO_3 нинг минимум кўрсаткичлари улуши қиёсий солиштирилганда бўз-воҳа тупроқлардан > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа томон камайиб бориши қонуниятни кузатилади. Бунда, мос равишда:

- 1) шимолий-шарқий регионда – 87,3; 85,4 ва 79,7%;
- 2) марказий регион (Мирзачўл воҳаси)да – 80,1, 68,1 ва 67,0%;
- 3) марказий регион (Зарафшон водийси)да – 85,3, 78,3 ва 71,9%;
- 4) жанубий регионда – 90,1, 86,8 ва 82,2%.

Аксинча, карбонатлар йиғиндисига нисбатан MgCO_3 нинг максимум кўрсаткичлари улуши таққосланганда бўз-воҳадан > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлар томон кўпайиб бориши қонуниятни кузатилади. Мос равишда:

- 1) шимолий-шарқий регионда – 12,7; 14,6 ва 20,3%;
- 2) марказий регион (Мирзачўл воҳаси)да – 19,9, 31,9 ва 33,0%;
- 3) марказий регион (Зарафшон водийси)да – 14,7, 21,7 ва 28,1%;
- 4) жанубий регионда – 9,9, 13,2 ва 17,8%.

Бу эса барча регионларда воҳа тупроқлари шаклланиши жараёнида CaCO_3 улушининг камайиб, MgCO_3 улушининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Демак, MgCO_3 нинг энг минимал даражадаги аккумуляцияси жараёни жанубий регион бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқларида, энг максимал даражадаги аккумуляцияси жараёни марказий регион (Мирзачўл ва Зарафшон водийси) бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқларида фаол давом этаётганлигини, ўз навбатида мазкур марказий регионда магнийли шўрланиш жараёнлари вужудга

келаётганлигини кўрсатади. Сабаби, ушбу тупроқларда гидроморфизм жараёни устунлик қилади. Воҳа тупроқларидаги CaCO_3 нинг микдорий улуши 25% дан камлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, бугунги кунда бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари унумдорлигига ва ўсимликларга салбий таъсир кўрсатмайди.

«Гумус (чиринди) ва озиқа моддалари» бўлими қиёсий таҳлилларга кўра, марказий регион (Самарқанд воҳаси)да (Р.Қ.Кўзиев) бўз-воҳа тупроқларининг ҳайдалма қатламидаги гумус микдори 0,750-0,820%, бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,700-0,800% ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,980-1,110% кўрсаткичларда қайд қилинган бўлиб, ўтказилган таҳлилларга кўра мос равишда 0,948-0,975% (+0,178, +0,155%); 0,856-0,934% (+0,156, +0,134%) ва 1,124-1,242% (+0,144, +0,132%)ни ташкил этиб, ортганлиги аниқланди. Самарқанд воҳаси тупроқларининг бир метрлик қатламидаги гумуснинг ўртача захираси бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда мос ҳолда 98,64 (+0,06), 96,46 (+0,46), 130,63 (+0,97) т/га атрофида қайд қилинди.

Шимолий-шарқий регион (Тошкент воҳаси)да гумус микдори бўз-воҳа тупроқлари ҳайдалма қатламида +0,015, +0,020%, бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда +0,097, +0,180% га ортганлиги ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда эса -0,038, -0,019% камайганлиги кузатилди. Тошкент воҳаси тупроқларнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси ўртача кўрсаткичи 1984-1985 йилларда бўз-воҳа тупроқларда 91,78 т/га; бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда 101,62 т/га ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда 143,53 т/га ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда мос равишда – 96,15 (+4,37), 106,32 (+4,70) ва 144,61 (+1,08) т/га ни ташкил этганлиги аниқланди (1-жадвал, 4, 5, 6-расмлар).


Марказий регион (Мирзачўл воҳаси, Жиззах вилояти)даги бўз-воҳа тупроқлар ҳайдалма қатламидаги гумус микдори 0,978-1,047%, Сирдарё ва Жиззах вилоятидаги бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,891-1,001%, ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,817-1,175% атрофида эканлиги қайд қилинди. Тупроқнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси мос ҳолда 107,07-118,70 (ўртача 112,89); 98,08-99,26 ва 108,70-118,16 (98,67 ва 113,43); 97,00-110,06 ва 107,70-122,09 (103,53 ва 114,90) т/га эканлиги қайд қилинди.

Жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси)даги бўз-воҳа тупроқлар ҳайдалма қатламидаги гумус микдори 0,980-1,030%, бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда – 0,928-1,279% ва ўтлоқи-воҳа тупроқларда – 0,979-2,190% кўрсаткичлар атрофида кузатилиб, мос равишда тупроқнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси – 113,00-116,49 (ўртача 114,75); 97,74-144,00 (120,87) ва 102,71-253,45 (178,08) т/га эканлиги қайд қилинди.


Ўрганилган воҳа тупроқларида гумуснинг улушини ортганлиги қайд қилинди. Шундай бўлсада, гумус билан таъминланганлик даражасига кўра сўнгги 30 йил давомида Тошкент воҳасининг бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларида ва Самарқанд воҳасининг ўтлоқи-воҳа тупроқларида «кам» (0,5-1,0%) ва «ўртача» (1,0-1,5%) таъминланган гуруҳдан фақат «ўртача» (1,0-1,5%) гуруҳга ўтганлиги аниқланди. Ўрганилган йилларда (1984-1987 ва 2014-2016 йй.) ҳар иккала (Тошкент ва Самарқанд) регионларнинг тупроқлари гумус микдори билан ижобий томонга ўзгариш тенденцияси кузатилсада, «юқори» таъминланганлик даражаси гуруҳига ўтмаган.

Воҳа тупроқларида гумус захираси табиий тупроқларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги, гидроморф воҳа тупроқларида эса

суғориш жараёнида гумус захираси камайиб, ўтлоқи-воҳа тупроқларида унинг улуши турғунлашганлиги кузатилди. Гумус миқдорига чамбарчас боғлиқ ҳолда бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа, ўтлоқи-воҳа тупроқларда C:N га нисбати ҳайдалма қатламларда мос равишда 9,93-9,97; 7,01-11,06; 8,67-10,24 га тенг, пастки қатламларда 7,24-11,91 атрофида кузатилади.



4-расм. Бўз-воҳа тупроқларнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси, т/га.



5-расм. Бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси, т/га.



6-расм. Ўтлоқи-воҳа тупроқларнинг бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси, т/га.

Умумий фосфор катта оралиқда тебраниб, шимолий регион бўз-воҳа тупроқлар устки қатламларида 0,350-0,470%, бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,260-0,330%, ўтлоқи-воҳа тупроқларда 0,120-0,260%, мос равишда Мирзачўл воҳасида – 0,120-0,200; 0,090-0,220; 0,070-0,210% ва Зарафшон водийсида – 0,140-0,180; 0,270-0,430; 0,130-0,190%, жанубий регионда – 0,159-0,313; 0,217-0,458; 0,162-0,405% атрофида қайд қилинди.

Умумий калий миқдори тупроқ профили бўйича таҳлил қилинганда

шимолий регион тупроқларида 0,457-1,124%, марказий регион (Мирзачўл воҳаси)да – 0,597-1,235 ва Зарафшон водийсида – 0,601-1,657%, жанубий регионда – 0,600-2,250% атрофида кузатилиб, бу кўрсаткичлар ялпи калий учун жуда кам ва кам ҳисобланади.

Тупроқларнинг устки ҳайдалма қатламидаги азот (N-NO₃)нинг миқдори шимолий регионда 1 кг тупроқда 5,39-7,26, марказий регион (Мирзачўл воҳаси)да – 4,4-6,70 ва Зарафшон водийсида – 3,64-13,0 (мазкур ҳудуднинг бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларида 15,0-26,50 атрофида ҳам кузатилади), жанубий регионда – 2,81-5,61 мг ни ташкил этиб, бу элемент билан асосан жуда кам даражада (0-15 мг/кг) (Самарқанд воҳасида кам – 16-30 мг/кг) таъминланган гуруҳга мансублиги аниқланди. Ушбу ҳолат тупроқ профилининг куйи қатламларида ҳам камайиб бориш тартибида шундай кузатилади.

Ўрганилган регионлар тупроқларининг устки ҳайдалма қатламидаги ҳаракатчан фосфор (P₂O₅) ва калий (K₂O)нинг миқдorigа кўра ҳам турлича даражада таъминланган гуруҳларга мансублиги, уларнинг миқдори тупроқни куйи қатламлари томон кескин камайиб бориши аниқланди.

«Микроэлементлар миқдори» бўлимида ўрганилган барча регионлар тупроқлар агроирригацион қатламларида микроэлементлар тарқалишида умумийлик қонуниятига бўйсунити кузатилди. Масалан, микроэлементлар ялпи ва ҳаракатчан миқдори кўрсаткичларининг камайиб бориши кетма-кетлиги занжири қаторига кўра куйидагича жойлашади:

Шимолий шарқий-регион: Mn>Zn>B>Cu; Mn>Zn>B>Cu.

Марказий регион: Mn>Zn>B>Cu; Mn>Zn>B>Cu.

Жанубий регион: Mn>Zn>B>Cu; Mn>Zn>B>Cu.

Барча регионлар бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида мис микроэлементининг ҳаракатчан шакли билан асосан «меъёрида» (0,4-0,8 мг/кг) таъминланган бўлиб, ушбу микроэлементнинг «тўйинган провинция»си (>1,0 мг/кг) марказий регион (Мирзачўл воҳаси ва Зарафшон водийси) бўз-воҳа ҳамда жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси) бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларида ҳам кузатилади.

Ушбу тупроқлар руҳ микроэлементининг ҳаракатчан шакли билан «меъёрида» (1,5-2,5 мг/кг) таъминланган. Бироқ, жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси)даги бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларида асосан чекланган сонлардан анча кам – етарли эмас (<1,5 мг/кг). Мазкур ҳолат Тошкент воҳаси ва Зарафшон водийси ўтлоқи-воҳа, Зарафшон водийси бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларида ҳам кузатилади.

Барча регионлар бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида марганецнинг ҳаракатчан шакли танқислиги ҳолати (<80 мг/кг) яққол кузатилади. Бу эса тупроқ айирмаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари баргларининг хлороз касаллигига чалинишга мойиллиги юқори эканлигидан далолат беради.

Ўрганилган тупроқларда бор микроэлементининг тўйинган провинцияси (>3,0 мг/кг) мавжуд бўлмаса-да, асосан «юқори» (1,2-3,0 мг/кг) даражада ва «меъёрида» (0,8-1,2 мг/кг) таъминланган. Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади, сабаби, барча регионларда етиштириладиган мевали ўсимликларнинг генератив органларига, шу жумладан, гуллашига яхши таъсир этади, у ўсимликларнинг меваларини яхши тутишига ҳамда таркибида шакар ва

витаминовнинг кўпайишига ёрдам беради. Деярли барча ўрганилган регионлар тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларда бор элементининг улуши чегараланган сонлардан (0,80-1,20 мг/кг) 1-2 баробаргача юқори эканлиги бор элементли шўрланиш жараёни мавжудлигини кўрсатади.

«Воҳалар тупроқларидаги умумий тузлар миқдори ва таркиби, шўрланиш даражаси ва типлари» бўлими ўрганилган регионлар суғориладиган ерларини табиий ва ирригацион-хўжалик шароитларининг ранг-баранглиги сабабли шўрланиш жараёнлари ҳам турли фаолликда кечаётганлигини кўрсатади. Жумладан, ўрганилган барча регионлар бўз-воҳа тупроқларининг характерли хусусияти шундан иборатки, улар асосий ҳолатларда амалда шўрланмаган, айрим ҳолатларда эса тупроқларнинг қатламларида кучсиз шўрланиш аломатлари учратиш мумкин. Ушбу ҳолатни мавсумий суғориш сувларининг минераллашганлик даражасига узвий боғлиқ деб тушунтириш мумкин. Шўрланиш химизмига кўра, Марказий регион (Зарафшон водийси) барча тупроқ типларида хлорид-сульфатли тип устунлик қилади. Ва аксинча, жанубий регион барча тупроқ типлари фақат сульфатли типда эканлиги билан регионал жиҳатдан фарқ қилади. Мазкур ҳар иккала регион ўтлоқи-воҳа тупроқларида кучсиз шўрланиш жараёни фаол давом этаётганлиги яққол кузатилди.

Сувда осон эрийдиган тузларнинг максимал кўрсаткичлари шимолий-шарқий регионда – 0,330% гача, жанубий регионда – 0,505% гача ва Марказий регионда – Зарафшон водийсида 0,390% гача ва Мирзачўл воҳаси (Сирдарё вилояти)да эса 1,540% гача қайд қилинди.

Ўрганилган барча тупроқ типларида сувда осон эрувчи тузларнинг деярли бир хил нисбатларда тупроқ профилида тарқалиши, яъни турғун аккумуляцияланиш жараёни вужудга келганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатни биринчидан, у ёки бу даражадаги минераллашган суғориш сувларига боғлиқ деб изоҳлаш мумкин, иккинчидан, Мирзачўл воҳаси (Сирдарё вилояти)даги ўртача ва кучли шўрланиш даражасини намоён этган сувда осон эрувчи тузларнинг бир мунча юқори кўрсаткичлари ер ости сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган ўтлоқи-воҳа ва бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларининг она жинсидан мерос бўлиб ўтганлиги билан изоҳланади.

Бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлардаги куруқ қолдиқ миқдорининг энг минимал кўрсаткичлари регионлар бўйича қиёсий солиштирилганда, шимолий-шарқий регионда – 0,100-0,110%, марказий регионда – 0,100-0,150% (Сирдарё вилояти ўтлоқи-воҳа тупроқлари 0,445%, бундан мустасно) оралиғида кузатилди, жанубий регионда эса 2 баробар кўп миқдорда (0,230-0,290%) эканлиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳолатни биринчидан, йиллар давомида муттасил тупроқ-грунтларда сувда эрийдиган тузларнинг динамик ҳаракати сабаб бўлган, иккинчидан, мазкур регионда ҳаво ва тупроқ ҳароратининг таъсири туфайли турғун аккумуляцияланиш жараёни фаоллиги билан боғлиқ деб изоҳланади.

Суғориладиган ерлари тупроқ-мелиоратив ҳолатини тупроқнинг устки 0-1 м ли қатламидаги тузлар захирасининг шу қатлам учун ўртача арифметик миқдорий кўрсаткичлари билан баҳолаш энг қулай ва мақбул усул ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида Жиззах вилояти Арнасой туманидаги А.Соибназаров номли массивнинг 2 306,0 гектар ва Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Э.Бердиев номли массивининг 4 528,0 гектар суғориладиган

қишлоқ хўжалик ер майдонлари учун 1:10 000 масштаби «Тупроқ шўрланганлиги картограммаси» тузилиб, тупроқларнинг механик таркиби, шўрланиш даражаси, типи ҳамда регионал хосса-хусусиятларига кўра шўр ювиш меъёрлари, сони ва муддатлари белгиланган.

«Тупроқда тузлар тўпланишидаги биогеокимёвий жараёнлар, заҳарли ва заҳарсиз тузлар бўйича ҳолати»га кўра бўз-воҳа тупроқлар профилидаги тузларнинг сифат ва компонент таркибий қисмидаги тузларнинг умумий йиғиндиси (куруқ қолдиқ) бўйича қиёсий солиштирилганда, энг минимал ва энг максимал кўрсаткичлари «критик чегараси» мос равишда Тошкентда – 0,116-0,233%, Жиззахда – 0,130-0,184%, Самарқандда – 0,134-0,304% ва Сурхондарёда – 0,230-0,352% ни ташкил этиб, жанубий регион томон ортиб бориши қонуниятига қайд этилди.

Умумий тузлар миқдорига нисбатан заҳарли тузлар миқдорининг улуши шимолӣ-шарқӣ ва марказӣ регионларда бўз-воҳа тупроқлар > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлар томон камайиб бориши ва аксинча, жанубий регионда ортиб бориши қонуниятига кузатилади. Мазкур ҳолат жанубий регион тупроқларида сувда қийин эрийдиган сульфатли тузлар улушининг кўплиги билан бевосита боғлиқ деб изоҳланади.

«Сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар таркиби» Тошкент, Мирзачўл, Самарқанд воҳалари ва Сурхон-Шеробод водийси бўз-воҳа тупроқлари амалда шўртобланишмаган ($\text{Na} < 5\%$) гуруҳга мансуб. Бирок, Тошкент воҳаси бўз-воҳа тупроқларининг қуйи 100-200 см қатламларида кучсиз (5-10%) шўртобланиш жараёни фаоллашганлиги қайд қилинди (3-жадвал).

Бўз-воҳа тупроқлари сингдириш сиғимидаги ўзгариш жараёнининг йўналиши ва фаоллик даражасини қуйидагича ифодалаш мумкин. Бунда:

1. Тошкент воҳаси бўз-воҳа тупроқлари сингдириш сиғими 7-13 мг-экв. атрофида қайд қилинган, бугунги кунда 12-20 мг-экв. оралиғида кузатилади. Ҳозирда ушбу тупроқлар сингдириш қобилияти «паст» (10-15 мг-экв.) ва «ўртача» (15-25 мг-экв.) гуруҳларга мансуб бўлиб, катионлар алмашилишига кўра сингдириш сиғими ижобий томонга ўзгарган;

2. Ҳар иккала даврда ҳам (1984-1987 ва 2014-2016 йй.) Самарқанд воҳаси бўз-воҳа тупроқлари профили бўйлаб сингдириш сиғими 7-12 мг-экв. оралиқдаги кўрсаткичларни ташкил этгани ҳолда сингдириш қобилияти «жуда паст» (5-10 мг-экв.) ва «паст» (10-15 мг-экв.) гуруҳларга мансуб бўлиб, деярли ўзгармаган;

3. Мирзачўл воҳасидаги (Жиззах вилояти) бўз-воҳа тупроқлари сингдириш сиғими 100 г. тупроқ учун 9-12 мг-экв. атрофидаги миқдорий кўрсаткичларда кузатилиб, сингдириш қобилиятига кўра жуда паст ва паст гуруҳларга мансуб;

4. Сурхон воҳаси бўз-воҳа тупроқлари профили бўйлаб сингдириш сиғими 12-17 мг-экв. оралиқдаги кўрсаткичларни ташкил этгани ҳолда сингдириш қобилиятига кўра «паст» (10-15 мг-экв.) ва «ўртача» (15-25 мг-экв.) гуруҳларга мансуб эканлиги аниқланди (3-жадвал).

Вертикалик қонуниятига асосан кўриқ тўқ тусли бўз ва кўриқ типик бўз тупроқларда (Б.В.Горбунов ва бошқ., 1972 й., Н.И.Шадиева, 2016 й.) бўз-воҳа тупроқларида (Р.Қўзиев, 1984-1987 йй.) олинган маълумотларга нисбатан сингдирилган асослар таркибини ўзгариши, фаоллик даражаси ва

йўналишига кўра Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё воҳалари бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа, ўтлоқи-воҳа тупроқларида кальцийнинг улуши «сезиларли» даражада, Мирзачўл региониди эса «кескин» даражада камайганлиги ва аксинча, магнийнинг улуши мос равишда ортганлиги билан тавсифланади.

3-жадвал

Турли регионлар воҳа тупроқларидаги сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркибининг ўзгариши ва уларнинг энг минимум ва максимум кўрсаткичлари тебраниш оралиғи чегараси, %
(Кўриқ тўқ тусли бўз ва кўриқ типик бўз тупроқларга нисбатан)

Тупроқлар	Шимолий-шарқий регион					Марказий регион					Марказий регион					Жанубий регион				
	Тошкент воҳаси					Мирзачўл воҳаси (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари)					Самарқанд воҳаси					Сурхон-Шеробод водийси				
	Ингидига нисбатан мг-экв. хисобида	Ca ²⁺	Mg ²⁺	K ⁺	Na ⁺	Ингидига нисбатан мг-экв. хисобида	Ca ²⁺	Mg ²⁺	K ⁺	Na ⁺	Ингидига нисбатан мг-экв. хисобида	Ca ²⁺	Mg ²⁺	K ⁺	Na ⁺	Ингидига нисбатан мг-экв. хисобида	Ca ²⁺	Mg ²⁺	K ⁺	Na ⁺
	Б.В.Горбунов ва бошқ., 1972 й.					Н.Н.Шадиева, 2016 й.					Аниқланмаган					Б.В.Горбунов ва бошқ., 1972 й.				
Кўриқ тўқ тусли бўз	16-19	18-86	5-78	1-10	1-3	10-15	52-61	35-43	1-3	3-5	-	-	-	-	-	10-13	45-86	8-53	2-5	0,7-3
Кўриқ типик бўз	9-12	34-76	14-63	2-10	0,3-2	10-13	57-66	29-38	1-3	3-5	8-10	60-81	14-38	1-5	0,3-1	5-16	30-84	12-57	2-10	0,7-2
	Р.Қ.Қўниев, 1984-1987 йй.					Аниқланмаган					Р.Қ.Қўниев, 1984-1987 йй.					Аниқланмаган				
Бўз-воҳа	7-15	41-78	12-50	2-8	2-9	-	-	-	-	-	7-11	44-75	14-52	1-8	1-7	-	-	-	-	-
	Ғ.Т.Партиев, 2014-2016 йй.																			
Бўз-воҳа	12-20	40-62	29-51	2-4	2-6	9-12	45-54	39-46	1-2	4-5	7-12	50-70	23-42	1-3	3-5	12-17	51-67	25-42	3-6	1-3
Бўз-ўтлоқи-воҳа	11-16	40-60	29-53	2-4	3-8	9-16	28-57	35-53	1-6	4-23	9-15	52-64	31-47	1-2	3-7	10-18	49-65	25-40	3-6	1-3
Ўтлоқи-воҳа	11-23	45-60	34-45	2-5	2-5	9-15	20-52	36-63	1-8	3-17	9-15	45-64	31-47	1-3	3-9	12-25	47-69	25-47	3-8	1-3

Сурхон-Шеробод водийсида тарқалган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари регионал хусусиятларига кўра, амалда шўртобланишмаган тупроқлар гуруҳига мансублиги билан ажралиб туради. Самарқанд воҳасида тарқалган воҳа тупроқларининг қуйи қатламларида кучсиз шўртобланиш жараёни кетаётганлиги кузатилади.

Мирзачўл воҳасида (Жиззах) тарқалган бўз-воҳа тупроқларидаги натрийнинг улуши 4-5% гача етган ва кучсиз шўртобланишга мойил. Шунингдек, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудида тарқалган бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари қатламларида ўртача (Na – 10-20%) ва кучли шўртобланиш (Na – 20-30%) аломатлари кузатилади. Мос равишда ушбу тупроқлар қуйи қатламларида магнийли кучсиз шўртобланиш (Mg – 50-60%) жараёни ҳам кечмоқда, бу эса тупроқларни кучсиз зичлашишига олиб келади.

Воҳа тупроқлари шаклланишида сингдирилган катионлар таркибида натрий улушининг бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлари томон ортиб бориш жараёни кузатилиб, тупроқ сингдириш комплексида натрийнинг улуши мос равишда шимолий-шарқий регионда – 2-8%; марказий регион (Самарқанд воҳаси)да – 3-9%; Мирзачўл воҳасида – 3-23% оралиғида қайд қилиниб, мазкур регионларда ортиб бормоқда. Ва аксинча, жанубий регионда эса – 1-3% оралиғида қайд қилиниб, турғун ҳолатда эканлиги кўрсатади.

Диссертациянинг «Бўз-воҳа тупроқларининг унумдорлиги шаклланишида регионал хусусиятларнинг ўрни» деб номланган олтинчи боби иккита бўлимдан иборат. «Сугориладиган тупроқларнинг унумдорлиги шаклланиши ва агроирригацион қатламларнинг нисбий ёши» деб номланган бўлимида Чирчиқ-Ангрен водийси, Мирзачўл воҳаси, Зарафшон ва Сурхон-Шеробод водийси бўз-воҳа тупроқларида ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатадики, суғориш, айниқса керагидан ортиқ суғориш натижасида тупроқ қатлами намланибгина қолмай, балки сизот сувларигача бориб етади.

Тошкент вилоятидаги Чирчиқ дарёси ҳар бир 1 м³ сувида лойқали оқизик миқдори ўртача – 8,8-59,2 г., Чотқол дарёсида – 79,3-260,9 г., Угом дарёсида – 117,1-508,7 г., Сирдарё юқори қисмида – 6,3-10,2 ва қуйи қисмларида – 125,8-143,6 г., Жиззах вилоятининг Бахмазарсой дарёсида – 76,0-80,3 ва Санзар дарёсида – 74,0-196,7 г., Самарқанд вилоятининг Окдарё (Оксув дарёси)да – 74,0-91,3 ва қуйи қисмларида – 157,2-213,6 г., Сурхондарё вилоятининг Тўпаланг дарёсида – 467,5-1116,7 г. ва Сурхондарёда эса – 1195,8-2275,0 г. атрофида кузатилади.

Ушбу ҳолат ўз навбатида интенсив суғорма деҳқончилик шароитида турли хил катталиқдаги лойқали заррачаларнинг ўрганилган ҳудудлар дала майдонларига кириб келишини ва ўз навбатида агроирригацион қатламларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотларда ўтлоқи-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > бўз-воҳа тупроқлари томон агроирригацион қатлам (А+В) қалинлиги мос ҳолда шимолий-шарқий регионда – барчасида 40-50 см гача; марказий регион (Мирзачўл воҳаси – Жиззах)да – 40-62; 40-75; 45-80 см; Самарқанд воҳасида – 75-100; 115-165; 180-200 см ва жанубий регионда – 60-102; 100-140; 200-250 см гача етиши қайд қилинди.

М.А.Орлов (1934) томонидан ирригацион келтирилмаларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги ролини илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда ирригацион келтирилмали ётқизиклар жуда кам 0,1 кг/м³ миқдорий кўрсаткичларда тўпланиши қайд этилиб, суғоришлар натижасида ҳайдалма қатлам қалинлиги 100 йилда 1 см га ортишига олиб келади деган хулосага келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Самарқанд ва Сурхондарё вилояти ҳудудларидаги бўз-воҳа тупроқлари агроирригацион қатламлари 2-2,5 ва 3 минг йиллар мобайнида шаклланган. Бироқ, Жиззахдаги қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинадиган Санзор, Зоминсув каби дарёлар ҳамда Туятортар канали орқали қадимги суғорма деҳқончилик ривожланган майдонларда 70-100 см лик агроирригацион қатламларининг нисбий ёши 700-1000 йилга, шунингдек нисбатан тиниқ Чирчиқ дарёси сувлари билан суғориладиган ҳудудлардаги 45-50 см атрофида шаклланган агроирригацион қатламларнинг нисбий ёши эса 450-500 йилга тенг эканлигини кўрсатади.

Демак, қиёсий таққослайдиган бўлсак, марказий регионга мансуб Жиззах вилоятининг айрим тоғ ости ва тоғ олди ҳудудларида шаклланган бўз-воҳа тупроқлари ҳам воҳа тупроқлар ривожланишининг I, II, III-даврларини тўла ўтаб бўлган, бироқ ҳозирда IV-даври тўла ўташ босқичида деб айтиш мумкин, у ҳам бўлса бирмунча лойқали Санзор ва Зоминсув дарёлари, Туятортар канали сувлари билан қадимдан суғорма деҳқончиликка тортилган майдонларида кузатилиб, агроирригацион келтирилмали қатламлари 70 см дан

1 метргача етади. Мирзачўлнинг, хусусан Жиззах вилоятининг текислик қисми ва Сирдарё вилояти худудидаги антропоген таъсирлар туфайли ривожланган воҳа тупроқлари XX асрнинг боши ва ўрталаридан бошлаб асосан Сирдарё сувлари билан суғоришларга тортилган, ўзлаштирилган майдонларида «механик қайта ишланган агроирригацион қатламлар» вужудга келган бўлиб, уларнинг қалинлиги 20 см дан 45 (50) см гача етган.

«Воҳа тупроқлари унумдорлиги шаклланишида регионал хусусиятларнинг роли» деб номланган иккинчи бўлимда ҳар бир тупроқнинг унумдорлиги бевосита уни вужудга келиш жараёни (генезиси) билан боғлиқ бўлиб, тупроқ ривожланиши ва эволюцияси жараёнида унумдорлик даражаси ўзгариб туради.

Бўз тупроқлар минтақаси турли регионларида тарқалган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлардаги гумус ва умумий азот билан таъминланганлик даражасига кўра, гуруҳлаш ишлари Б.А.Доспехов (1985) услубий қўлланмаси асосида математик-статистик таҳлил қилинди ва ўрганилган бўз-воҳа тупроқлар гумус билан асосан «кам» (0,5-1,0%), бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-воҳа тупроқлар эса «ўртача» (1,0-1,5%) таъминланган тупроқларга ажратилди.

Статистик таҳлилларда ўрганилган барча тупроқлардаги гумуснинг ўртача хатолик (m) кўрсаткичи 0,003-0,091%, умумий азот эса 0,0003-0,0061% оралиғида қайд қилинди.

Интеркорелляцияцион таҳлил, яъни К.Пирсон услуби бўйича корреляция коэффиценти 0,5 дан ошса корреляция кучли ҳисобланади, агар 0,8 дан ошса мустақил ўзгарувчилар ўзаро боғлиқ деб ҳисобланади [<http://datareview.info/article/novuj-tip-vizualizacii-dlya-issledovaniya-korreljacija/>].

Ушбуга асосан, турли регионлардаги бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари унумдорлиги шаклланишини тасвирлаш учун қуёш корреляцион диаграммаси тузилди. Бунда воҳа тупроқларидаги гумус миқдори ва хосса-хусусиятларнинг ўзаро таъсири ва роли 7-расмда ифодаланган.



7-расм. Турли регионлар воҳа тупроқларидаги гумус ва бошқа хусусиятларнинг ўзаро таъсири қуёш корреляцион диаграммаси (К.Пирсон услуби бўйича)

Мазкур диаграммадан кўриниб турибдики, тупроқ таркибидаги гумус миқдorigа турли тупроқ кўрсаткичларига боғлиқлик турли регионларда турлича.

Регионал хусусиятларига кўра, Тошкент воҳаси тупроқларида тупроқдаги гумус миқдори бошқа тупроқ кўрсаткичлари билан боғлиқлик қийматлари умумий олганда юқори эмас. Барча боғлиқлик қийматлари 50-60% атрофида қайд қилинди. Энг паст корреляцион кўрсаткич сингдирилган асослар йиғиндисига тўғри келади.

Ўрганилган регионлардан Сурхондарё ва Самарқанд воҳаси тупроқларида гумус миқдори билан сингдирилган асослар йиғиндиси ўртасида жуда юқори корреляцион (80-90%) боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Иль ва чанг заррачалари миқдори ҳамда ҳажм оғирлик кўрсаткичлари бўйича корреляцион боғлиқлиги 60-70% атрофида қайд қилинди.

Демак, турли регионлардаги бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларининг унумдорлиги шаклланиши табиий ва антропоген омиллар таъсиридаги суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бунда тупроқлар хосса-хусусиятлари ва гумус ўртасидаги ижобий корреляцион боғланиш юзага келади.

ХУЛОСАЛАР

1. Бўз-воҳа тупроқларининг регионал хусусиятларининг шаклланиши, ривожланиши табиий ва антропоген омиллар ҳамда суғориш сувлари муаллақ жинслари миқдorigа бевосита боғлиқ бўлиб, эволюцияси ҳозирги филогенетик босқичда тупроқ унумдорлигини ўзига хос белгиларини намоён қилади. Арид регионларда бўз-воҳа тупроқларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва эволюциясида антропоген омил етакчи ҳисобланиб, бу тупроқ хосса-хусусиятлари ва гумус ўртасидаги ижобий корреляция билан тавсифланади.

2. Суғориш сувларидаги муаллақ жинслар механик элементлар таркиби йил ва мавсумда турлича бўлиб, майда кум (0,1-0,05 мм) фракциялар устунлик қилади. Бу воҳа тупроқларининг регионал хусусиятини белгилаб, агроирригацион қатламда, вертикаллик қонуниятига мос равишда: бўз-воҳа > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлари кетма-кетлик занжирида ортиши билан тавсифланади. Мос равишда майда кум заррачасининг миқдори максимал кўрсаткичлари 35,1-50,9%, 29,8-44,2% ва 53,3-80,5% гача етади. Бунда, ўтлоқи-воҳа тупроқларидаги майда кум заррачасининг максимал миқдорий улуши шимолий-шарқий регионда 53,3%, марказий регион (Мирзачўл)да 62,3% ва Зарафшонда – 65,5%, жанубий-шарқий регионда эса 80,5% гача етади, мазкур ҳолат регионлар худудидан ўтган дарё сувлардаги кумли фракцияли келтирилмалар билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

3. Барча регионлар воҳа тупроқларида агрономик жиҳатдан қимматли бўлган агрегатларнинг (структура диаметри 0,25 мм дан 10 мм гача) миқдори 36,21-72,15% атрофида кузатилиб, агроирригацион қатламлар шаклланиши жараёнида «жуда юқори» (>30%) структурали тупроқлар ҳосил бўлган.

4. Тошкент воҳаси бўз-воҳа тупроқларида орадан 30 йил ўтиб карбонатлар (CO_2) 4,75-8,29% ни ташкил этиб, ҳайдалма қатламида карбонатларнинг йиғиндисига нисбатан CaCO_3 улушининг 96,7% дан 96,2% (-0,5%) гача камайган, MgCO_3 улушининг эса 12,2% дан 12,7% (+0,5%) гача ортган. Воҳа

тупроқларидаги CaCO_3 нинг миқдорий улуши 4,52-23,27% оралиғида кузатилиб, карбонатлашган (2-15%) ва ўртача карбонатлашган (15-25%) гуруҳга мансуб бўлиб, бу ҳолат тупроқлар унумдорлигига ва ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди.

5. Самарқанд воҳаси бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа, ўтлоқи-воҳа тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори мос равишда – 0,948-0,975% (+0,178, +0,155); 0,856-0,934% (+0,156, +0,134) ва 1,124-1,242% (+0,144, +0,132)ни ташкил этиб антропоген омил таъсирида ортган. Бир метрлик қатламидаги гумуснинг захираси 98,64 (+0,06) т/га; 96,46 (+0,46) т/га ва 130,63 (+0,97) т/га ташкил этади. Бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари гумус билан таъминланганлик даражаси кўра «кам» (0,5-1,0%) таъминланган гуруҳдан «ўртача» (1,0-1,5%) таъминланган гуруҳга ўтган. Гумус миқдори (0,015-0,180%) ва захирасига (0,06-4,69 т/га) кўра шимолий-шарқий, марказий, жанубий регионлардаги воҳа тупроқларида ортиб боради.

6. Шимолий-шарқий регион воҳа тупроқларида ялпи азот улуши 0,015-0,089%, жанубий регион тупроқларида эса 0,022-0,156% атрофида, уларга мос равишда углеродни азотга нисбати C:N – 7,01-11,91 ва 5,49-8,74 оралиғида тебранади, марказий регион (Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд) тупроқлари оралик ўринларни эгаллайди.

7. Ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра, марказий регион (Мирзачўл воҳаси) воҳа тупроқлари жуда кам (<15 мг/кг) ва кам (16-30 мг/кг), жанубий регионда 12,00-38,33 мг/кг атрофида кузатилиб, ўртача (31-45 мг/кг), шимолий-шарқий регион бўз-воҳа ва бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқларида эса 50,0-78,0 мг/кг атрофида кузатилиб, етарли ва юқори даражада таъминланган. Ҳаракатчан калийнинг миқдорига кўра барча регионлар тупроқлари асосан кам (101-200 мг/кг) ва ўртача (201-300 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб.

8. Мазкур регионлар тупроқлари агроирригацион қатламларида микроэлементлар тарқалишида умумийлик қонунияти мавжуд бўлиб, ялпи ва ҳаракатчан миқдорий кўрсаткичлари $\text{Mn} > \text{Zn} > \text{B} > \text{Cu}$ томон камайиб бориши кетма-кетлиги сақланиб қолади. Регионлар тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида асосан бор миқдорининг «юқори» ва «меъерий» даражада таъминланганлик ҳолати ҳам кузатилади. Регионал жиҳатдан рухнинг ҳаракатчан шакли жанубий регион тупроқларида етарли эмаслиги билан кескин ажралиб туради, марганец микроэлементининг «юқори» (100-150 мг/кг) таъминланган ва «тўйинган провинция»лари (>150 мг/кг) жанубий регион тупроқларига хос характерли хусусият ҳисобланади.

9. Шимолий-шарқий регион воҳа тупроқларидаги куруқ қолдиқ миқдори 0,116-0,305% ни ташкил этгани ҳолда тузларнинг сифат таркибида Na_2SO_4 тузи етакчи ўринни эгаллайди (0,030-0,210%), кейинги ўринларни $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ ва CaSO_4 ҳиссасига тўғри келади. Хлор ионининг фақат жуда кам миқдордаги магнийли тузи (MgCl_2 – 0,009-0,023%) ва натрий хлор (NaCl) тузи атиги 0,002% миқдорида учрайди, ушбу ҳолат кичик фарқларда бошқа тадқиқот ҳудуди тупроқларида ҳам сақланиб қолади, жанубий регион воҳа тупроқлари бундан мустасно. Умумий тузлар миқдорига нисбатан захарли тузлар миқдорининг улуши шимолий-шарқий ва марказий регионларда бўз-воҳа тупроқлар > бўз-ўтлоқи-воҳа > ўтлоқи-воҳа тупроқлар томон камайиб бориши, аксинча

жанубий регионда ортиб бориши қонуниятига кузатилади. Мазкур ҳолат жанубий регион тупроқларида сувда қийин эрийдиган сульфатли тузлар улушининг кўплиги билан бевосита боғлиқ.

10. Регионал хусусиятларига кўра, Сурхон-Шеробод водийси воҳа тупроқлари амалда шўртобланишмаган ($\text{Na} < 5\%$). Самарқанд воҳасидаги воҳа тупроқларининг қуйи қатламларида кучсиз шўртобланиш жараёни, Мирзачўл воҳаси бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари қуйи қатламларида ўртача ва кучли шўртобланиш ($\text{Na} > 20\%$) аломатлари кузатилади. Мос равишда ушбу тупроқлар қуйи қатламларида магнийли кучсиз шўртобланиш жараёни ҳам шаклланиган, бу эса тупроқ-грунтларни кучсиз зичлашишига олиб келади.

11. Тошкент воҳасида «юпка» (35-50 см), Самарқанд ва Сурхондарёда «жуда қалин» (1 м дан кўп) бўлган агроирригацион қатламли воҳа тупроқлари шаклланиган. Мирзачўл воҳаси (Сирдарё вилояти) бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари «юпка» (35-50 см), фақат Жиззахнинг бўз-воҳа ва бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлари «ўртача» (70-80 см) қалинликка эга.

Бўз-воҳа тупроқларининг тадрижий ривожланиши босқичлари назариясига кўра: Марказий регион (Зарафшон водийси) ва жанубий регион (Сурхон-Шеробод водийси) тупроқлари эса тўла даврни ўтаб бўлган; Тошкент воҳаси ва Мирзачўл воҳаси (Жиззах вилояти) бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари воҳа тупроқлар ривожланишининг I, II, III-даврларини тўла ўтаб бўлган ва ҳозирда IV-даврни тўла ўташ босқичида ривожланмоқда; инсон фаолияти таъсирида Сирдарё вилояти бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари воҳа тупроқлар ривожланишининг I ва II-даврларини тўла ўтаб бўлган ва ҳозирда III-даврни тўла ўташ босқичида ривожланмоқда деб тавсифланади.

12. Сурункасига бир хил чуқурликда ҳайдаш натижасида воҳа тупроқларида ҳайдалма ости (30-50 см) «кучли зичлашган» ($1,40-1,49 \text{ г/см}^3$), айрим ҳолатларда «қаттиқ зичлашган» ($1,50-1,59 \text{ г/см}^3$) «плуг товони» шаклланиган қатламни ҳар 3-4 йилда куз ойларида бир мартаба чуқур юмшатиш ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

13. Суғориладиган воҳа тупроқлари тарқалган массивларнинг 1:10 000 масштабли тупроқ картаси маълумотлари ва тупроқ шўрланиши картограммалари воҳа тупроқлари сифатини баҳолаш, мелиоратив тадбирларни ишлаб чиқиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда кенг қамровли муҳофаза қилиш чора-тадбирларини белгилашда фойдаланиш учун тавсия этилади.

14. Бўз-воҳа тупроқларининг регионал хусусиятлари ва унумдорлигини сақлаш, ошириш бўйича олинган маълумотлар ва ишлаб чиқилган дастурлар ва тавсиялар ишлаб чиқариш амалиётидан ташқари ОЎЮларида 5141000-«Тупроқшунослик» йўналиши талабалари ва 5А41000-«Тупроқшунослик» мутахассислиги магистрантлари ўқув-услугий ҳамда илмий-тадқиқот жараёнларида, «Тупроқшунослик», «Тупроқ кимёси», «Тупроқ физикаси», «Воҳа тупроқларининг генезиси ва классификацияси», «Ўзбекистон тупроқлари ва улардан самарали фойдаланиш», «Тупроқлар рекультивацияси» каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда жорий қилинган ва ундан кенг фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/В.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И
АГРОХИМИИ**

ПАРШИЕВ ГОФУРЖОН ТОХИРОВИЧ

**РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЕРОЗЕМНО-ОАЗИСНЫХ
ПОЧВ И ИХ РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВ**

03.00.13-Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/B30.

Докторская диссертация (DSc) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Официальные оппоненты:

Ташкузиев Маъруф Мансурович
доктор биологических наук, профессор

Исагалиев Муроджон Туйчибоевич
доктор биологических наук, доцент

Кадирова Дилрабо Абдукаримовна
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+998) 71-246-09-50; факс: (+998) 71-246-76-00; e-mail: info@soil.uz

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за №____). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел. (+998) 71-246-15-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № __ от _____ 2021 г.)

Ш.М.Бобомуродов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

Ж.М.Кузиев

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н. (PhD), старший научный сотрудник

Н.Ю.Абдурахмонов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

На сегодняшний день «в мире общая площадь плодородных земель, пригодных для выращивания сельскохозяйственных продуктов составляет 4,4 миллиарда гектаров (за исключением 4 миллиардов гектаров охраняемых земель), из которых 1 600 млн. гектаров вовлечены в земледелие». По официальным данным «с 1991 года по 2009 год площадь орошаемого земледелия в мире увеличивалась на 1,6% в год, а в развивающихся странах увеличивается на 2%. Было прогнозировано, что к 2050 году площадь орошаемых земель может увеличиться до 318 миллиона гектара»¹. По этой причине предотвращение процессов, отрицательно влияющих на плодородие оазисных почв, сформированных в результате орошаемого земледелия на засушливых и полузасушливых климатических зонах мира, восстановление плодородия почв и эффективное их использование являются одной из актуальных проблем.

В мире проводятся научные исследования по таким приоритетным направлениям, как повышение, сохранение плодородия оазисных почв и эффективное их использование. В этом плане уделяется особое внимание научным исследованиям по изучению роли морфогенетических, физических, агрохимических, физико-химических и химических свойств оазисных почв в формировании плодородия почв, изучению положительных и отрицательных изменений, возникающих под влиянием природных и антропогенных факторов, а также по устойчивому повышению почвенного плодородия.

В республике площадь почв сероземного пояса составляет 16,6%, и проводятся научные исследования и достигнуты определенные результаты по повышению плодородия оазисных почв, развитых в данных регионах и эффективному их использованию. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по «...динамичному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, дальнейшей оптимизации посевных площадей, направленной на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей, кормовых и масличных культур, а также новых интенсивных садов и виноградников»². По этой причине определение региональных особенностей оазисных почв, развитых в различных регионах сероземного пояса республики, активности и направлений процессов изменения под влиянием природных и антропогенных факторов, сохранение и повышение плодородия почв приобретают важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹ <https://www.fao.org>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистана от 17 июня 2019 года №УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» и Постановлении Президента Республики Узбекистана от 28 января 2020 года №ПП-4575 «О мерах по реализации в 2020 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования направленные на определение роли почвенных свойств в формировании плодородия оазисных почв, а также на сохранение и повышение плодородия почв проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности Kafrelsheikh University and Mansoura University (Египет), Debrecen University (Венгрия), University of Bari (Италия), Natural Resources Conservation Service (США), в институте почвоведения имени В.В.Докучаева (Россия), в Московском государственном университете имени М.В.Ломоносова (Россия) и в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по определению своеобразных свойств оазисных почв, оценке роли в формировании их плодородия получены следующие результаты: при оценке сельского хозяйства аридных и полуаридных зон свойства оазисных почв по степени плодородия разделены на 3 класса при помощи таких программных обеспечений, как ALES, LECS и GIS (Kafrelsheikh University and Mansoura University, Египет); раскрыты исторические основы формирования плодородия почв, распространенных в различных геологических зонах, а именно, закономерности связи процессов формирования почв с природными и антропогенными факторами (Debrecen University, Венгрия; University of Bari, Италия); земли, пригодные для сельского хозяйства оценены и, в зависимости от пригодности, разделены на 8 классов и на основе этих данных назначены мероприятия по сохранению и повышению плодородия земель (Natural Resources Conservation Service, США); полугидроморфные и гидроморфные почвы, развитые в разных условиях за последние 50-70 лет, в результате человеческого фактора выделены на «агрогенно-измененные» почвы (Институт почвоведения имени В.В.Докучаева, Россия); управляющие воздействием почвенной биосферы при элементарных почвенных процессах, а именно, биокосная система почвы диагностически проанализирована в качестве: «реактора», «памяти», «почва-время» и «почва-память» (Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Россия).

³ <https://www.nrcs.usda.gov>; <https://www.search.usa.gov/>; <https://sis.agr.gc.ca>; www.gov.uk/government/organisations/landregistry; www.lantmateriet.se; www.lpi.nsw.gov.au/

В мире проводятся научные исследования по повышению плодородия почв по следующим приоритетным направлениям, определению роли почвенных свойств при почвообразовании, генезисе, эволюции, формировании плодородия; предотвращение факторов, лимитирующих плодородие почв и устранение последствий; разработка региональных основ плодородия почв; обеспечение землевладельцев достоверными данными путем оценки и моделирования почвенного плодородия; разработка научных решений, направленных на эффективное использование земельными ресурсами путем размещения сельскохозяйственных культур с учетом региональных свойств почв.

Степень изученности проблемы. Ряд исследований по определению почв, сформированных в результате орошения в различных регионах мира и в республике, в частности, по определению генезиса оазисных почв, условий их формирования, свойств, оценке, сохранению, повышению плодородия почв и их защите проведены республиканскими и зарубежными учеными, такими как, А.А.Роде, А.Н.Розанов, В.А.Ковда, А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, Б.В.Горбунов, М.А.Панков, Л.Турсунов, А.Максудов, Р.К.Кузиев, Х.Х.Турсунов, М.М.Тошкузиев, Г.Юлдашев, С.Абдуллаев, Р.Курвонтоев, В.Исаков, Ж.С.Саттаров, Л.А.Гафурова, И.У.Уразбаев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдрахмонов, Х.Т.Артикова, А.У.Ахмедов, А.Ж.Исмонов, Ф.Р.Зайдельман, Д.Л.Голованов, А.Литвинович, Ж.Мандахбаяр, М.Ф.Дорохов, И.А.Ямнова, М.Л.Сиземская, R.F.Isbell, N.Chittamant, R.J.Gilkes, J.A.Brierley, A.R.Mermut, A.Lehmann, Hassan El-Ramady, M.Ayman El-Ghamry, A.L.Hawkins, S.M.Shaheen, M.E.Abo-Waly, R.A.Ali, M.N.Noaman, M.Satoh, S.Aboulroos, H.E.Khalifa, H.A.Moussa, A.A.Elnaggar, Xu.H.Jungrong, H.Millán, A.M.Tarquis, L.D.Pèrez, D.K.Pal. Однако, исследования, направленные на установление процессов, протекающих в оазисных почвах сероземного пояса, изменения их морфогенетических свойств, сравнительно-региональные аспекты определения их роли в формировании плодородия почв не проведены в достаточной мере.

